



Formation and development of the tourism and its system of terms in english and uzbek

Dildora XOLBOEVA¹

Tashkent Medicine Academy

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2021
Received in revised form
20 July 2021
Accepted 15 August 2021
Available online
15 September 2021

Keywords:

tourism,
terminology,
system,
period,
lexical,
stage.

ABSTRACT

This article describes a comprehensive analysis of the history of the development of terminology, the stages of development of the tourism industry, the creation of terms and the general principles of their activity-application. The formation of the terminological system of tourism is determined by the level of development of the corresponding sphere of professional activity of a person.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Инглиз ва ўзбек тилларида туризм соҳаси ва унинг терминлар тизими шаклланиши ва ривожланиши

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада терминологиянинг ривожланиш тарихи, туризм саноатининг ривожланиш босқичлари, терминлар яратилиши ва уларни ишлатишнинг умумий тамойиллари батафсил таҳлил қилинган. Туризм термин тизимининг шаклланиши инсон касбий фаолиятининг тегишли соҳаси ривожланишининг даражаси билан белгилаб берилган.

Калит сўзлар:

туризм,
терминология,
тизим,
давр,
лексик,
босқич.

¹ Lecturer, department of Uzbek and Foreign Languages, Tashkent Medicine Academy, Tashkent, Uzbekistan.

Становление и развитие туристической отрасли и его терминологической системы на английском и узбекском языках

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

туризм,
терминология,
система,
период,
лексический,
этап.

В данной статье описан комплексный анализ истории развития терминологии, этапы развития индустрии туризма, создания терминов и общих принципов их деятельности-применения. Формирование терминологической системы туризма определяется уровнем развития соответствующей сферы профессиональной деятельности человека.

Ҳар қандай терминологик тизимни мажмуий ўрганиш ва таърифлаш ҳам синхроник, ҳам диахроник жиҳатларни ўз ичига олиши лозим, бунда терминология ривожланишининг тарихини ҳар томонлама таҳлил қилиш терминлар яратилиши ва уларнинг фаолияти-қўлланишининг умумий тамойилларини белгилашга имкон беради.

Терминологияларни диахроник жиҳатдан тадқиқ этиш муаммосига кўп сонли тадқиқотлар бағишланган [Кутина, 1966; Снетова, 1984; Васильева, 1991 ва бошқалар], уларда тармоқ терминологияларининг мақомлари, терминлар шаклланишининг манбалари ва усуллари ўрганилган. Диахроник тадқиқотларда “терминологиялар туғилиши, пайдо бўлиши ва ривожланишининг вақтини ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мумкин, чунки ҳозирги пайтда шаклланаётган терминологиялар кўп жиҳатдан уларнинг ривожланиш босқичларини такрорлайди: терминологиялар ривожланишининг умумий мойилликларини ва ушбу ривожланишни белгилаб берувчи омилларни, ҳамда махсус лексикага ва уни тартибга солиш уринишларига нисбатан мойилликларини аниқлаш мумкин” деб ҳисобланади [Гринева, 1993. Б. 106].

Шундай қилиб, терминологик диахрония тадқиқ этишининг ўзига хос жиҳатидан иборат, унинг моҳияти айрим терминлар ривожланишининг тарихий кетма-кетлигини ва умуман термин тизимининг ривожланишини ўрганишдан иборат. Бу фикрлар юзасидан, туризмга оид терминологиянинг қарор топиши ва ривожланиши тарихини тадқиқ этиш уни тўлиқ таърифлаш учун зарурий шарт бўлади.

Туризмнинг иқтисодий фаолият тури сифатида ватани Англия ҳисобланади, шу сабабли туризмга оид терминологиянинг шаклланишини инглиз тилининг мисолида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Инглиз туризмнинг тарихида тўртта босқични ажратиш мумкин, улар инглиз терминологиясининг шаклланиши босқичларига мос келади. Ушбу даврларга бўлиш замирида техник-иқтисодий ва ижтимоий асослар ва шартлар, ҳамда ривожланишининг турли босқичларида туризмнинг мақсадли функциялари ётади.

Биринчи босқич – туристик фаолиятнинг прообраз – антик даврдан XIX асрнинг ошигача бўлган вақт даврини қамраб олади, бу вақтда инглизларнинг саёҳат қилиши учун асосий мотивлари савдо, зиёратлар, даволаш, таълим олиш бўлган. XVI асрда Англияда гран-тур (Grand Tour) – бой кишиларнинг Европа қитъасига саёҳати кўплар учун жозибадор бўлиб, оммавийлаша бошлади. Гран-тур

таълимни яқунлаш, Ўрта Ер денгизи атрофларига, маданиятнинг илк манбаи жойларига ташриф буюриш имконини берар эди, бу эса кишини тўлиқ маълумотли ва маданиятли деб тан олиш учун зарур, деб ҳисобланган. Саёҳатнинг маршрути аввалдан танланган: одатда у кичик француз шаҳрда бошланган, бу ерда ёшлар ўз француз тилидаги кўникмаларини такомиллаштирган. У ердан улар Франциянинг бошқа жойларига, ҳамда Германия ва Швейцарияга сафарларни бошлаган. Ўз маданий савиясини ошириш учун ёшлар Италияга борар эди. У ерда яшаш гран-турнинг олий чўққиси ҳисобланган. Италияда яшашдан кейин гран-тур яқунланган деб ҳисобланган.

XVIII асрда Бат, Бакстон ва бошқа шу каби шаҳарлар каби даволаш курортлари оммавийлашган, бу ҳам саёҳат қилувчиларнинг сони ортишига кўмаклашган. Гран-турлар ва соғломлаштириш турларининг оммавийлашуви сабабли, инглиз тилида туризмга оид терминология шакллана бошлади: ҳаракатланиш воситалари, яшаш шароитлари умумий адабий тилнинг лексик бирликларининг кичик тўплами билан белгилана бошлади: *carriage, board, excursion, hotel, resort, itinerary* ва бошқалар. Бунда номинациялар, одатда, умумий адабий тилдан олинган. Масалан, умумий адабий тилнинг сўзи *resort* аввалига “that to which one has recourse for aid or assistance” маъносига эга бўлган; кейинчалик у “place people go for recreation” маъносига эга бўлган туризм термини мақомига ўтган. Ушбу босқичда инглиз терминларнинг тадқиқ этилаётган тўпламининг бор-йўғи 6 % қисмигина шакллланган.

Туризм ва унинг терминологияси ривожланишининг биринчи босқичи ҳақида гапирганда, инглизларнинг саёҳатларини то XIX асргача замонавий маънодаги туризм қаторига киритиш қийинлигини таъкидлаш лозим. Улар давлатларнинг иқтисодиётига таъсир кўрсатмаган, ва аҳолининг асосий қисмига деярли дахли бўлмаган.

Иккинчи босқич – оммавий туризм ривожланишининг бошланиши – XIX асрни қамраб олади, бу пайтда туризмнинг моддий-техник базасининг асослари, ишлаш усуллари ва бошқариш органлари яратила бошлаган. Айнан шу “*tourism*” ва “*tourist*” инглиз терминлари пайдо бўлди. Масалан, “*tourism*” терминини XIX асрнинг бошида инглиз ёзувчиси D. Page жорий қилган. Ўзининг “Инглиз туристининг анекдотлари” (*Jokes of an English Tourist*) китобида у биринчи марта саёҳатчини турист деб атаган. “*Tourist*” термини илк бора Оксфорд универсал луғатида 1800 йилда “an individual who travels for the pleasure of traveling, out of curiosity” махсус маъносида, “*tourism*” сўзи – 1811 йилда қайд этилган.

Инглиз туризми ва унинг терминологияси ривожланишининг учинчи босқичи – оммавий конвейерли туризм – XX асрнинг бошига тўғри келди, ва Иккинчи жаҳон уруши охиригача давом этди. Туризмнинг ушбу босқичда ривожланишига тақдим этиладиган хизматларнинг талабчан бўлмаслиги, уларнинг тўплами стандарт бўлиши хос бўлади. Туристларга хизмат кўрсатиш дастурлари турли-туманлиги билан ажралиб турмаган, чунки улар таркиб топган элементар туристик хизматлар истеъмолчини қондирган эди. Бундай вазият туристик операторларгатуристик бозор учун унификацияланган хизматлар тўпламларини шакллантиришимконини берган. Транспортнинг динамик ривожланиши туфайли, туристик терминология туристларни ташиш хизматлари билан боғлиқ бўлган терминларнинг ҳисобига анча кенгайди: *leg, aircraft, aircraftcarrier, shuttle, airline, airport, hitchhike* ва бошқалар.

Тўртинчи босқич – оммавий дифференциялашган туризм – Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланиб, то ҳозирги пайтгача давом этмоқда.

Дифференциялашган туризм учун хизматларининг кенг ассортименти бўлиши хос бўлиб, шу жиҳатдан, туризмнинг инглиз терминологияси ихтисослашган туризмнинг терминлари билан фаол тўлдирила бошлаганлигини қайд этиш муҳим бўлади (*agrotourism, disaster tour, nostalgic tourism, familiarization trip, flightseeing, island hopping, jeep safari, on-your-own package, rural tourism* ва бошқалар.).

XX асрнинг 50–60-йиллари – туризм инфратузилмасининг интенсив яратилиши даври (меҳмонхоналар, кемпинглар, ресторанлар, туристик фирмалар ва шу каби), бу эса меҳмон кутиш соҳаси (*condominium, check-in, check-out, boutique hotel, flotel, honeymoon sidte*), умумий овқатланиш соҳаси (*brunch, catering, stand-up buffet, American plan, European plan*), туристик операторлар ва туристик агентларнинг воситачилик хизматларининг соҳасига (*catchment area, last minute tour, reservation system, tour cancellation, incoming, overriding commission*) хос бўлган янги терминлар пайдо бўлишини белгилаб берган. Ушбу босқичда термин тизимида янги сўзлар қўшилишининг асосий хусусияти таркиб топган тушунчалар тузилмасини акс эттирадиган кўп таркибли ва ҳосила номинацияларнинг фаол яратилиши ҳисобланади (*tour leader / tour operator / tour participant; group booking / guaranteed booking / non-guaranteed booking / double booking*). Бунда иерархик тур-туркум муносабатлари эндиликда шаклланмайди, балки термин тизимининг ичида мураккаблашиб боради.

Демак, туризмга оид инглиз терминологиясининг қарор топиши жараёнида инглиз тилида туристик тушунчаларнинг термин тизими қарор топиб бўлди, яъни сўз, белги – термин орқасида унга хос бўлган барча белгиларнинг тўпламига эга бўлган маълум тушунча туради, бунда туризм соҳасининг барча терминлари ўзаро боғлиқ бирликларнинг ички ташкил этилган жамулжамлиги сифатида юзага чиқади, деган хулосага келиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirzayev M, Aliyeva M. Turizm asoslari. – Toshkent. – 2011.
2. Ушаков Д.С. Технология выездного туризма. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2009. – С. 240.
3. Aliyeva M.T., Mirzayev M. va boshqalar. Turizm huquqi. O'quv qo'llanma. – T.: Talqin, 2003. – B. 245.
4. Алиева М.Т. Развития индустрии туризма // Международные Плехановские чтения, 19 апреля РЭА. им. Г.В. Плеханова. – М., 2006.
5. Алиева М.Т. Тенденции развития туризма в Узбекистане // Пятнадцатые международные Плехановские чтения, 27 апреля РЭА. им. Г.В. Плеханова. – М., 2002.
6. www.uzbekturizm.uz.
7. [hppt://en.wikipedia.org](http://en.wikipedia.org).